

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиали

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ
факултети

“Сув хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш”
кафедраси

“Ҳимояга рухсат берилди”

Кафедра мудири

Ҳасанов И.С _____

“ _____ ” _____ 2014 й

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Хачкаб” гидроузелида таъмирлаш ишларини
механизациялаш ва автоматлаштириш жараёнларини
такомиллаштириш”**

Бажарди:

Аслонов Н.Н.

Рахбар:

т.ф.д, проф. Мусурманов Р.Қ.

Бухоро – 2014 йил

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Республика Ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисидаги “Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш ҳамда 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида вазирлик ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида соҳанинг барча тармоқ ва йўналишларида макроиқтисодий мувозанатлилик, юқори ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланган. Амалдаги баҳоларда 15 трлн 810,7 млрд сўмлик (2009 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,8%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,5 фоизни ташкил қилмоқда. Вазирлик тизимида қиёслама баҳоларда 102,2 млрд сўмлик (ўсиш даражаси - 33,4%) саноат маҳсулоти ва 8 млрд 27,5 млн сўмлик (11,0%) халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарилди; Тизимдаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлилигини янада ошириш, экспортни диверсификация қилиш ва уларни сотишнинг янги ташқи бозорларига чиқиш бўйича кўрилган саъйи-ҳаракатлар натижасида йиллик прогнозга нисбатан 120,2 фоиз ҳажмида ёки ўтган йилга нисбатан 1 млн 753,1 минг дҳоллар кўп товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди; Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2 млрд 361,5 млн сўмлик (105,5%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди; Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тизимдаги сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан жами 13 млрд 113,7 млн сўмлик маҳсулотлар харид қилинди; Касаначилик дастури асосида жами 230 та (105,2%) ишчи ўринлари

яратилиб, улар томонидан 37.5 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди; Тижорат банклари томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон ва пахта ҳосилини етиштириш учун жами 1 трлн 338,9 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди; Фермер хўжаликларига жами 185,4 млрд сўмлик, шундан лизинг асосида 3386 дона (99,5 млрд сўмлик) қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилди, шунингдек, “Ўзкимёсаноат” компанияси ҳудудий бўлинмалари томонидан жами 519,3 минг тонна (104,5%) минерал ўғитлар, шундан 416,1 минг тонна (107,5%) азотли, 101,4 минг тонна (104,4%) фосфорли ва 1,7 минг тонна (14,0%) калийли ўғитлар ҳамда “Ўзнефтмаҳсулот” компанияси корхоналари томонидан 364,7 минг тонна (86,9%) ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб берилиб, “Ўзагроماشсервис” уюшмаси корхоналари томонидан 96,8 млрд сўмлик (88,4%) механизация хизматлари кўрсатилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ кўрилган ташкилий чоралар натижасида 2011 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда жами 66 минг 134 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, уларга 5 млн 295,0 минг гектар ер майдони ижарага берилди, бунда бир фермерга ўрта ҳисобда 80,0 гектар ер майдони тўғри келмоқда; Самарали амалга оширилган агротехника тадбирлари ва ўз вақтида кўрилган ташкилий чоралар натижасида жами 6 млн 897,3 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилиб, давлатга 2 млн 597,4 минг тонна (103,9%) товар дон ва 273,1 минг тонна (88,3%) уруғлик топширилди. Бунда ўртача ҳосилдорлик гектарига 44,2 центнерни (шундан суғориладиган майдонларда 50,7 центнер ва лалмикорда 0,6 центнер) ташкил қилди; Жами 3 млн 428,6 минг тонна (100,3%) пахта хом ашёси давлатга топширилиб, шартномавий мажбурият деярли барча вилоятларда тўлиқ уудланди. Бунда Республика бўйича олинган ўртача ҳосилдорлик гектарига 25,8 центнердан иборат бўлди...

Бугунга келиб, фермер хўжаликларининг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиқ маҳсулотигади улуши 34,5 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич пахтачиликда - 100,0%, ғаллачиликда - 84,0% ва пиллачиликда 97,0 фоиздан иборат бўлмоқда. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакат бўйича жами 11 млн 919,5 минг тонна (107,7%), шу жумладан 6346,4 минг тонна (108,2%) сабзавот, 1182,4 минг тонна (105,3%) полиз, 1710,4 минг тонна (108,6%) мева, 987,4 минг тонна (105,4%) узум маҳсулотлари ва 1692,9 минг тонна (108,1%) картошка ишлаб чиқарилди ёки 2009 йилга нисбатан 1 млн 162,0 минг тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 11,0 фоиз ўсишга эришилди...

Республика бўйича умумий қиймати 36,4 млрд сўмлик 25 минг 159,5 тонна (100,6%) тирик пилла етиштирилиб, ҳар қути бўйича ипак қурти ҳосили ўртача 55,3 килограммни ташкил қилди; Бу даврда жами 10732,5 тонна (шунинг 6654,6 тоннаси сунъий сув ҳавзаларида ва 4077,9 тоннаси табиий кўлларда) балиқ овланиб, унинг 964 тоннадан кўпроғи 2584 минг дҳолларга экспорт қилинди, шунингдек, жами 2839 тонна, 119,0% асал ишлаб чиқарилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида 381 та лойиҳа бўйича жами 154,1 млрд сўмлик (102,7%) маблағлар йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди. Бу даврда жами 289,4 млрд сўмлик (101,7%) давлат капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, 185,6 млрд сўмлик (103,7%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва 63,9 млрд сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, шу жумладан “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил Инвестиция дастури”га мувофиқ республика Ҳукуматининг кафҳолати остида Манзилли дастурлар доирасида 62,92 млн дҳоллар (101,2%) ҳажмида хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Натижада Қашқадарё,

Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Амударё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш ишлари амалга оширилиб, жами 260 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар улуши 34,3 фоизни ташкил этди; Мавжуд 1711 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан иккиламчи сувдан фойдаланувчиларга 30,2 млрд сўмлик хизмат кўрсатилиб, унинг 64,9 фоизига 19,6 млрд сўм миқдорида тўлов амалга оширилди. Бунда ўртача бир гектар майдонга тўланган маблағ республика бўйича ўртача 4991 сўмни ташкил қилди; Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида лимитга нисбатан 370,2 млн кВт/соат электр энергияси ёки 27,4 млрд сўмлик маблағ иқтисод қилинди...

Қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири – бу ер – сув ресурсларидан унумли фойдаланишдир. Бунда айниқса, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор ҳолатда сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб экинлардан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада бар қарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган мелиорация тизимларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида

2008—2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, бос қичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан молиялаштирилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мелиоратив техниканинг кўп профилли паркини янгилаш ва шаллантиришни рағбатлантириш, сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ташкилотларини замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда ихтисослаштирилган “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 50 га яқин давлат унитар корхоналари ташкил этилди. 2008 йилдан бошлаб зовур-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга янгича ёндашилиб, бу ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ўтган йил мобайнида зовур-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш учун республика бўйича 15 млрд сўм маблағ ажратилиб, тасдиқланган графикка асосан 2008 йилнинг 1 октябрига қадар 427 та объект бўйича лойиҳалаш ишлари тугатилиб, экспертиза муассасалари томонидан хулосалар олинди. Лойиҳа-қидирув ишларини бажариш учун тегишли корхоналар ва вазирлик тизимидаги лойиҳалаш ташкилотлари жалб этилди. 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига мувофиқ белгиланган дастурга мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди: - 10400 километрдан кўпроқ зовур-дренаж тармоқлари тизимли тозаланди; 880 километрдан ортиқ ёпиқ-ётиқ дренажларда ювиш ишлари амалга оширилди; зовурлардаги 350 га яқин қувурли ўтиш жойлари таъмирланди; 32

та сув ўлчаш (гидропостлар) иншоотлари, 1224 та мелиоратив тик кудуклар, 62 та мелиоратив насос станциялар (агрегатлар) таъмирланди. Жамғарма маблағлари ҳисобига яқин беш йил мобайнида ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 508 дона экскаватор, 116 дона бульдозер, 75 дона ёпиқ-ётиқ зовур-дренаж тармоқларини ювувчи агрегатлар, 91 дона механизмларни ташиш учун ёрдамчи техникалар имтиёзли лизинг шартлари асосида харид қилиш белгиланган. Ҳозирга қадар жойларга 126 дона гидравлик экскаватор етказилиб берилди. Бу замонавий техникалар албатта мелиорация тадбирларини сифатли ўтказиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини бермоқда. Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермерлар даромадини ошириш, халқимиз турмушини фаровонлаштириш, давлатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожлантириш имконини беради. Мамлакатимизда сув хўжалигини ривожлантириш - мавжуд ирригация ва мелиорация тизимларини қайта таъмирлаш, тозалаш-тиклаш ҳамда техник тарққиёт асосида янги, замонавийларини қуриш бўйича ишлар бажарилишини назарда тутлади.

Техник тараққиёт – ирригация ва мелиорация ишларини бажаришдаги сезиларли омилдир. Техник тараққиётнинг асоси - тизимли лойиҳалашни, тозалаш- таъмирлаш ва қурилиш – монтаж ишларини комплекс механизациялашган усулда, ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажаришни ўз ичига оладиган тизимдан иборат. Сув хўжалигининг индустриялаш даражасини юксалтириш ирригация ва мелиорация ишларини комплекс механизациялашга асосланади (механизация – грекчадан *mechene* – қурол, машина – моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ёки меҳнат фаолияти тармоқларида меҳнатнинг қўл билан бажариладиган воситаларини машиналар ва механизмлар билан алмаштириш).

I. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Бухоро вилоят қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш ҳолати ва унда гидроузелларнинг аҳамияти.

Бухоро вилояти. Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида жойлашган. Қизилқум чўли Бухоро вилояти худудининг катта қисмини эгаллайди. Вилоятнинг умумий майдони – 39 400 квадрат километр. Вилоят туб континентал, қуруқ иқлимга эга. Вилоят аҳолиси тахминан 1 543,9 минг кишига тэнг, шундан қарийб 68 фоизи қишлоқ жойларида, 32 фоизи шаҳарларда яшайди. Вилоят 11 маъмурий туманлардан иборат. Вилоятнинг маъмурий маркази – Бухоро шаҳри бўлиб, унинг аҳолиси тахминан 263 400 кишидир. Вилоятнинг бошқа йирик шаҳарлари – Ғиждувон, Ромитан ва Когондир. Вилоят худудида табиий газ, нефть, графит, бетонит, мрамор, гранит, гипс, олтингугурт, оҳак ва бошқа қурилиш мҳоллари учун хом ашёнинг бой конлари ўрганилган. Энг фаол саноат йўналишлари пахта тозалаш, тўқимачилик ва ипакчилик саноатидир. Каштачилик, кулолчилик ва ганжкорлик сингари анъанавий ўзбек ҳунармандчилиги қайта тикланган. Қандим, Оққум, Парсонқўл худудларида нефть, табиий газнинг катта захираси мавжуд, тахминий нефть захираси ҳажми 10 миллион тонна, табиий газ ҳажми 220 миллиард куб метрдир. Вилоят худудидаги энг йирик, замонавий, Республика аҳамиятига эга бўлган саноат корхоналаридан бири “Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи” ушбу захиралар асосида ишлайди.

Энг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – пахта, бугдой, қорақўл тери ва табиий ипакдир. Қишлоқ хўжалиги фаолияти вилоятнинг фақат суғориладиган ерларида олиб борилади.

Вилоят географияси, иқтисодиёти ва деҳқончиликда сув таъминоти шароитлари.

Бухоро вилояти Қизилқум саҳросининг марказий қисмида жойлашган, шимолий-ғарбий томондан Туркменистон Республикаси, жанубий шарқдан Қашқадарё вилояти, шимолий - ғарбдан Навоий вилояти, шимолий-шарқдан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси билан чегараланган бўлиб, “Зарафшон” дарёсининг қуриган ўзанини қуйи ва ўрта қисмида жойлашган ва унинг ер майдонининг асосий қисми тақир ва яйловлардан иборатдир.

Бухоро вилояти 1938 йил 15 январда ташкил қилинган. Майдони 4 млн 200 минг.гектар, шундан суғориладиган ер майдонлари 275111 гектар, шулардан 21329 гектар (0,3%) боғлар, 2674186 гектар (64%) яйловлар, 205616 гектар (4,9%) ўрмонзорлар ва 978348 гектар (23,3%) бошқа ер майдонлари ташкил қилади, қолган 7,5 фоиз ер майдонларини ташландиқ (залеж) ерлар ташкил қилади. Суғориладиган ер майдонлар Бухоро туманида 30317, Вобкент туманида 21536, Жондор туманида 33066, Когон туманида 18845, Олот туманида 21475, Пешқў туманида 22756, Ромитан туманида 27241, Шофиркон туманида 28402, Қорақўл туманида 25065, Қоровулбозор туманида 19334, ва Гиждувон туманида 27074, гектарни ташкил қилади.

Тупроқлари асосан ўтлоқ-аллювиал, сур тусли қўнғир бўз ва чўлли кум тупроқлардан иборат. Иқлими континентал қуруқ бўлиб, ёғингарчилик йилига 114-125 ммни ташкил этади, совуқ тушмайдиган кун 246-272, фойдали эффектив температура миқдори 2430-2690 градус С дан иборат. Ёғингарчиликлар асосан қиш ва баҳор фаслларида кузатилади.

Вилоят маркази Бухоро шаҳри ҳисобланади. Бухоро вилояти учун асосий сув манбаи “Амударё” ҳавзаси ҳисобланиб, суғориладиган ерларни сувга бўлган эҳтиёжини қондирувчи асосий сув йўллари эса “Аму-Бухоро” машина каналининг I-II навбати ва “Аму-Қоракул” каналидир.

Шулар билан бир қаторда “Қуйи-Мозор”, “Тўдакўл” ва “Шўркўл” сув омборлари ҳам вилоят учун қўшимча сув олиш манбалари ҳисобланади.

Шунингдек, йилнинг асосан баҳор ойларида “Зарафшон” дарёсидан келадиган сувлар ҳам вилоятни сувга бўлган эҳтиёжини кондиринишда ишлатилмоқда.

Булардан ташқари, вилоятнинг гидрографик тармоқлари кўп миқдордаги суғориш иншоотлари, зовур ва унинг тармоқларидан ташкил топган. Вилоятдаги мелиоратив тармоқларнинг асосийлари: “Марказий-Бухоро”, “Шимолий”, “Параллел-Денгизкўл”, “Тошқудук”, “Парсанкўл” ва “Оғитма” ташламаларидан иборат.

Вилоятнинг иқлим шароити континентал бўлиб, ҳаво ҳарорати йил давомида кескин ўзгариб туриши билан ажралиб туради, ёзи қуруқ иссиқ, киш фасли эса қисқа, қаттиқ совуқ кунлар деярли кам бўлади, ёғин-сочин айтарли кўп эмас. Йил давомида бўладиган ёғингарчиликларнинг қарийб 60 фоизини йилнинг январ ойидан, апрел ойининг охиригача бўлган ёғингарчиликлар ташкил қилади. Вилоятда иқлимнинг асосий фактори ҳисобланган шамол айтарли бутун йил мобайнида эсиб туради, шамол йўналиши асосан жануб ва жанубий шарқ томонга бўлади. Айрим ҳолларда шамолнинг тезлиги секундига 18-20 метрни ташкил қилади. Бухоро вилояти шароитида иқлимнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари яъни ҳавонинг қуруқ келиши ва ёз ойларида жуда иссиқ бўлиши, ёғин-сочинни жуда кам бўлиши, ер юзасига яқин жойлашган таркибида минерал тузлари кўп бўлган ер ости сувларининг буғланиб кетишини бирмунча тезлаштиради, транспирацияга сарфланадиган сув миқдори кўпаяди, бу эса ўз навбатида шўрланишга мойил бўлган ерларнинг қайта шўрланишига олиб келади.

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида етакчи соҳа деҳқончилик бўлиб, шу билан бирга чорвачилик ҳамда яйловларда қорақўлчилик билан ҳам шуғулланилади. Деҳқончиликда асосий экин пахта ва ғалла ҳисобланиб, озуқабоп экинлар ўстириш, боғ-чорбоғларни бунёд қилишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ўтган ҳисобот йилида вилоят бўйича 109600 гектар майдонга пахта ва 65270 гектар майдонга ғалла экилди. Вилоят бўйича деҳқончиликда пахтадан

олинган ялпи ҳосил 346963 тонна бўлиб, ҳосилдорлик гектарига 31,7 центнерни, ғалладан олинган ялпи ҳосил 380339 тоннани, ҳар бир гектарига эса 59,9 центнерни ташкил қилади.

Суғориладиган ерлар асосан текисликлар иборат бўлиб, айрим ерларда майда – майда чуқурликлар (паст ерлар) ва тепаликлар учраб туради. Ер юзасининг нишаблиги 0,0001 - 0,04 ни ташкил қилади. Нишабликнинг кичиклиги, сизот сувининг ер ости ҳаракати қийинлиги, ёзги юқори ҳарорат ва ҳавони қуруқлиги жуда катта миқдордаги сизот сувини буғланиши ва транспирация бўлганлиги сабабли мавжуд 275,1 минг гектар суғориладиган майдоннинг қарийб 82 фоизи вегетация мавсуми охирида ҳар хил даражадаги шўрланган ерларни ташкил қилади.

Ўртача суғориладиган бир гектар майдонга 29,25 п.м. узунликда зовур тармоқлари тўғри келади.

Мелиоратив кадастр натижаларини таҳлили бўйича 2012 йилнинг 1 ноябрь ҳолатида мавжуд 275,1 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг 37,0 минг гектари яхши, 211,5 минг гектари қониқарли ва 26,6 минг гектари қониқарсиз майдонни ташкил этади.

Ўтказилган таҳлилларга кўра вилоятдаги мавжуд қониқарсиз ер майдонлари асосан тупроқ таркибидаги туз миқдорининг юқорилиги ҳамда ер ости сизот сувлари сатҳини ер юзасига яқин жойлашганлиги ҳисобидан. Лекин шунга қарамасдан бу ерларда ҳам ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосилдорлик унча ҳам ёмон эмаслиги кўриниб турибди. Жумладан ўтган ҳисобот йилида мелиоратив нуқтаи назардан қониқарсиз ҳисобланган майдонларда пахтадан олинган ҳосилдорлик вилоят бўйича ўртача гектарига 20,1 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, ғалла экинлари ҳосилдорлиги бу майдонларда 28,6 центнерга тўғри келди. Кўриниб турганидек, Бухоро вилоятида мавжуд суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарали йўлга қўйилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилиб, жамғарма маблағлари ҳисобидан вилоятда амалга

ошириладиган мелиоратив тадбирлар натижасида кейинги 5 йил давомида мелиоратив ҳолати қониқарсиз ҳисобланган майдонларни 15800 гектарга камайтиришга эришилди. Ёки жамғарманинг сарфланган 91,8 млрд.сўм маблағлари ҳисобига Бухоро туманида 1400, Вобкент туманида 800, Жондор туманида 2200, Когон туманида 600 , Олот туманида 2100, Пешкў туманида 800, Ромитан туманида 1500, Шофиркон туманида 1600, Қоракўл туманида 2500, Қоровулбозор туманида 1000, Ғиждувон туманида 1300 гектар суғориладиган майдонларда мелиоратив вазият тубдан яхшиланди. Натижада кўрсатилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги 1,5-2,0 ва ғалладан олинадиган ҳосилдорликни 3,0-4,0 центнерга оширишга имконият яратилади.

Вилоятда сувдан фойдаланиш.

Дарё сувларининг танқислиги вилоятда олинаётган сувлардан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосилдорликнинг мўл бўлиши омилларидан биридир.

Бухоро вилоятининг суғориладиган ерлари учун сув манбаи “Амударё” ҳисобланади. Дарёдаги сув “Двойник” (иккилик) гидроиншоотига ўз оқими билан келиб, иккига яъни “Аму-Қоракўл” каналига ва “Ҳамза” насос станция томонга тақсимланади. “Ҳамза –I” ва “Ҳамза” ёрдамчи насос станциялари ёрдамида “Аму-Бухоро” машина каналига қуйилади. Бундан ташқари Жондор туманидаги “Мохонкўл” массивидаги ерларни суғориш учун “Зарафшон” канали қурилиб ишга туширилган. Сув манбаларида сув кўп бўлган йилларда “Зарафшон” дарёси сувидан ҳам суғоришга фойдаланилади. Ўтган ҳисобот йилида вегетация ва новегетация мавсумларида 4334,02 млн.м³ сув олинди. Олинган сувнинг минерал даражаси 1,392 г/л ни ташкил этди.

Вилоятда дарё сувларни тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланишни таъминлашда гидро узелларнинг ва гидропостларни ахамияти каттадир. Вилоятда 1242 та гидропост ва 28 та гидроузел мавжуд бўлиб, бугунги кунда самарали ишлаб турибди. Гидро иншоотлар

Экинларни суғоришда бошқа сув манбаларидан яъни, зовур ва тик дренаж кудуклари сувларидан 27,4 млн.м³ фойдаланилди. Вегетация мавсуми тугагандан кейин ўсимликларни илдизи ривожланадиган тупрок катлами шўрлик даражасини пасайтириш ва келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш мақсадида шўр ювиш тадбирини амалга ошириш энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Ўтган ҳисобот йилида ерларни шўрини ювиш ва суғориш ишлари учун новегетация мавсумида 1341,60 млн.м³ сув олинди. 275111 гектар суғориладиган майдондан 166,75 минг гектари бир марта, шундан 63,1 минг гектари икки марта ва 8,1 минг гектарида учинчи марта, жами шўри ювилган майдон 237,8 минг гектарни ташкил этди. Шу мавсумда вилоят бўйича ер ости суви сатҳи ўртача 2,48 метр чуқурликда жойлашди.

Ҳисобот йилининг вегетация мавсумида 2992,42 млн.м³ сув олиниб экинларни, хусусан кузги буғдой ва пахта экинини суғориш учун ишлатилди. Мавсумда сувдан фойдаланишни жойларга чиқиб назорат қилиш учун экспедицияда ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳ вилоятнинг барча туманларида бўлиб, сувдан фойдаланиш бўйича камчиликлар, суғориш технологияларини бузилганлиги ва сувларни тўғридан-тўғри зовурларга ташлаганлари ҳақидаги ҳолатларни бартараф этиб турдилар.

Шу билан биргаликда вилоятга олинган дарё сувларининг катта қисми шўрланган майдонлари шўрини ювиш тадбирларига йўналтирилади. 1.1-жадвалда 2013 йил ҳосили учун ўтказилган шўр ювиш тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш ишлари натижаларини келтирамыз.

2013 йил ҳосили учун ўтказилган шўр ювиш тадбирларининг
самарадорлигини аниқлаш ишлари натижалари

Тупрок шўрлиги аниқланган давр	Умумий суғориладиган майдон (гек)	Шу жумладан							
		шўрланмаган (гек)	%	кам шўрланган (гек)	%	ўрта шўрланган (гек)	%	кучли шўрланган (гек)	%
2012									
Кузда	274903	36702	13,4	164403	59,8	64520	23,4	9278	3,4
2013									
бахорда	255572	118000	46,1	114096	44,7	19497	7,6	4176	1,6
баланс	(+) кўпайиш	+81298							
	(-) камайиш			-50307		-44723		-5102	

Келтирилган жадвалда кўриниб турганидек шўр ювишдан кейин тупроқ шўрлик даражаси кескин камайиб кетган. Жумладан шўрланмаган майдонлар 36702 гектардан 113008 гектарга кўпайиб, умумий суғориладиган ер майдонларининг қарийб 44,2 фоизини ташкил қилган. Лекин шунга қарамадан экиш мавсумидан олдин вилоятда 23673 гектардан ошиқроқ майдон шўр ювишдан кейин ҳам ўрта ва кучли даражадаги шўрланиши сақланиб қолган.

**1.2. Хачкаб гидроузели техник қўрсаткичлари, мавжуд муаммолар
(Мавзуни асослаш)**

		қобилияти м ³ /сек	майдони, га
1	Шоҳруд канали	59.60	31877
2	Шимолий-ғарбий тармоқ (СЗВ) каналли	51.40	27491
3	ЖАМИ	111.0	59368

Рельеф

Хачкаб гидроузели Навоий вилояти Қизилтепа тумани пастигида текислик худудида жойлашган. Текислик худуди - сел ва дарё-сой чикитлари конусларининг ташки қисмларидаги баландликлари учраган, баъзи жойларидан юза текис аллювиал-пролювиал текисликларидан ташкил топган. Текислик қисмини ўртача отметкалари (белгилалари) 300...500 м. Ўртача нишаблиги 0,002...0,004. Гидроузел створида ўзан кўп сонли тармоқларига бўлиняпти, ўзанининг кенглиги 60 м ни ташкил этади.

Иклим

Мавжуд гидроузели худудида иклим кескин континенталлик ва қурғоқчиликка хосдир.

Метеологларнинг кузатувларига кўра, уртача йиллик ёгингарчилик миқдори 257 мм. га тенг. Июл ва август ойларида ёгингарчилик деярли бўлмайди. Ўртача йиллик ҳарорат худуд бўйича 13,3 С Энг иссиқ ой июль, энг совук - январь. Ҳавонинг максимал ҳарорати +45 С, минимал эса -23 С кузатилади.

Март ойида энг охириги совук кунлар тугайди, ноябр ойининг охирида эса биринчи изгирин кунлар бошланади. 0°С хароратдан паст булган кунлар йигиндиси 160 кунга, уртача йиллик куёш чараклаб турган кунлар соати 3250 га тенг.

Воҳада шарқий ва шимоли-шарқий йуналишдаги шамҳоллар ҳукм суради. Шамолнинг эсиш тезлиги октябр ойида 3,7 м/с, январ ойида 5,1 м/с, уртача йиллик 3-4 м/с ни ташкил килади.

Гидрология

Шохруд дарёси (юкори оқишида Хачкаб) Амударёнинг ўнг қирғоғига оқимларини олиб келади. Унинг оқими бўлоьутардан озиьутанадиган жанубий - шарқий Чотқол ва Шимолий-ғарбий Курама тоғ тизимларидан оқадиган қуп сонли соьларидан ташкил этилади.

Шохруд дарё хавзаси майдони 7710 км², узунлиги 236 км.

Гидрометхизмати гидрологик станцияси курсаткичлари билан Шохруд дарё режими тавсифланади. Шохруд дарёси оқими асосан мавсумий қррлар эриши ҳисобидан ташкил этади, лекин дарё озикданишига қуринарли қисмини ёмғирлар қушади.


Ўз узунлиги буйича Шохруд дарёси оқими қуп сонли каналарга сугориш мақсадида утказилади. Каналлардан энг йирик Хачкаб канали. Унинг сувидан Шохруд дарёси чап қирғоғида энг катта сугориш майдони сугорилади.

Хачкаб гидроузелидан пастида Шохруд дарёси узани йилнинг каттарок қисмида қурук бўлади.

Шохруд дарёси ирмоқлари режими Шохруд дарёга нисбатан оқимни эртарок қупайиши, сув оқимини йил давомида қупрок узғариши ва оқимнинг озикданишида ёмғирларни каттарок аҳамияти билан тавсифланади. Натижада Шохруд сув омборидан паст жойлашган Шохруд дарёнинг барча ирмоқлари интенсив сел фаолияти билан хусусийлаштирилган.

Умумий минерализацияси 92 дан 157 г/м³ гача, сув оетонга агрессив эмас, оу сувни ичимлик ва хужалик эҳтиёжлари учун ишлатиш мумкин. Каттиклиги буйича сув юмшок (1,5 мг-экв). Сувни ион-тузлик таркибида Са ионлари қуп бўлган карбонат ионлари асосий қисмини ташкил этади. Сув кам бўлган давриларда дарё сувини минерализацияси ва каттиклик даражаси кўпаяди.

Шохруд сув омбори Шохруд дарёнинг пастки бьефига чукиндилар транзитини тулик бекитиши учун факат Хачкаб гидроузели створи худудида дарёнинг каттик окими кузатилади.



1.2-расм. Хачкаб гидроузелнинг таъминланганлик даражаси.

Хачкаб гидроузели створи худудида дарё билан муаллақ сузиб келадиган чукиндиларнинг уртача курсаткичлари 1.3.- жадвалда келтирилган. Ёмгирлар ёгиши сабабидан пайдо буладиган тошкинларда сувнинг лойшаланиши даражаси 10 к/м гача етади. даракат этадиган туб чукиндилар окими муаллақ чукиндилар окимидан 16,5% ташкил этади. Март-июнь давридаги туб чукиндилар окими:

март ойида -6400 тонна;

апрель ойида - 20000 тонна;

май ойида -9000 тонна;

июнь ойида - 700 тонна;

Жами: 36100 тоннани ташкил этади. Сув манбалар купларида туб чукиндилар тупланмаларининг уртача диаметри 10...15 см ни ташкил этади.

Шохруд дарё узанида махсус таджикотлар утказилмади. Лекин куз чамали кузатувлар асосида Хачкаб гидроузели створидаги чукиндилар тупланмаларининг уртача диаметри 3...76 см ни ташкил этиши аниқданди. 1 куб чукиндилар ҳаракати дарёнинг 50 м/с сув сарфида бошланади.

Хачкаб гидроузели Аму-Бухоро машина канали (АБМК)дан ПК 1520 тақсимлаш иншоотининг кую-Мозор тармоғи орқали Шохруд бош каналидан сув олиб, иккита тармоққа сув тақсимлаб бериш вазифасини бажаради. Сув ўтказиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда Шохруд тармоғига 3 та затвор орқали, Шимолий – Ғарбий тармоққа ҳам 3 та затвор орқали сув ўтказиш таъминланади. Гидроузел тақсимлаш тўсиқлари олдида сувнинг максимал кутарилиш (подбор) баланлиги 1.8 м. этиб белгиланган. Қуйида Хачкаб гидроузелининг конструктив (1.3-расм) ва кўндаланг кесим схемалари (1.4-расм) келтирилган.

Каналларга сувни олиш туғоннинг калконли қисми ораликларидан чап томонида жойлашган сув олиш иншоотларидан бажарилади.

Мавжуд булган гидроузелнинг компановкаси маълум булган инженер (мухандис)лик сув олиш гидроузеллари турига тугри келмаяпти.

Гидроузелнинг мухим таркибий қисмларидан бири - сув окимини келтирувчи узан фаргонача сув олиш гидроузели схемасига ёзилмаяпти, сув олиш гидроузели фронталь турига ҳам тугри келмаяпти ва амалда чукиндилар тиндиргичи буляпти.

Туғон калкрнли қисмининг иккита ораликлари ювиш ораликлар вазифасини бажармаяпти, шунинг учун чукиндилар дарёга туширилиши урнига каналларга утади, бунда асосан туғоннинг унг киргогида жойлашган Шимолий - ғарбий тармоқ каналига сув олиш иншооти дюкери лойкаланиб кетди. Ушбу дюкер сувни узини сув олиш иншоотидан Шимолий - ғарбий тармоқ каналига утказарди. Лойкаланиши сабабидан унинг сув утказиш крбилияти лойиха буйича оелгиланган 12 м/с дан 7 м / с гача пасаиди.

1987 йилда Шохруд дарёси хавзаси юкори бьефи дарахтлар ва оутазорлар зич усио кетгани сабабидан $Q = 620$ м /с сув сарфидаги тошқинни утишида гидроузел иншоотлари олдида сув сатхи кутарилди, унинг натижасида чап киргогидаги кутарма (дамба)си устидан сув куйилиб кетди ва кутарма иккита жойида узилиб кетди. Олмалик шахрини ичимлик суви билан таъминланадиган сув олиш кудукдари худуди, ҳамда унга якин жойлашган кишлок хужалик ерлари сувга кумилиб кетди.

1992 иил май оида $Q = 570$ м /с сув сарфидаги тошқинни утишида янада чап киргогидаги кутарма (дамба)си устидан сув куйилиб кетди.

1979 йилдан 1992 йил давригача Хачкаб гидроузелнинг таъмирлаш ва эксплуатация ишларига 1450,65 минг руб пул маблаглари сарфланган эди.

1988 йилда “Уздавсувлойиха” институти билан пастки бьефида авариялик ходисаларини йукртиши максатида мавжуд булган Хачкаб

гидроузелини таъмирлаш - кайта тиклаш ишларининг ишчи лойихаси тузилди. Бунда курилиш-монтаж ишларининг нархи 613,96 минг рублни ташкил этди.

Ушбу ишлар сифатсиз бажарилганлиги ва бетонитларни унг кутармага уйиб ташлаганлиги сабабидан 1991 - 1992 йилларда калкрнли туғонидан сунги участкасида пастки бьефининг ювилиши кузатилди. Шунинг учун гидроузел нормал ишини таъминлаш мақсадида гидроузел таъмирлаш ишларига кушимча харажатлар талаб этилди.

1988 йилда Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хужалиги вазири билан тасдиқданган топшириги буйича “Уздавсувлойиха” институти билан “Шохруд ва Шимолий - ғарбий тармоқ каналларига сув олиш учун Шохруд дарёдаги сув олиш гидроузели реконструкцияси” лойихаси бажарилди. Ушбу лойиха таркибида реконструкцияси куйидаги иккита варианты куриб чиқилди:

1. Иккита вариантыда $Q_{0,5\%} = 885 \text{ м}^3/\text{с}$ сув сарфига ҳисобланган янги гидроузелининг лойихаси;
2. $Q = 550 \text{ м}^3/\text{с}$ сув сарфига ҳисобланган амалдаги гидроузели реконструкцияси билан оирғалигида $Q = 330 \text{ м}^3/\text{с}$ сув сарфига ҳисобланган янги кушимча сув ташловчи иншоотнинг лойихаси. Бунда “Уздавсувлойиха” институти 4148,71 минг рубл 1984 йили нархларида капитал маблағларни талаб этадиган фарғонача туридаги янги гидроузелнинг вариантыни асосланиб курилишга таклиф этди.

Эксперт комиссияси “Уздавсувлойиха” институти томонидан таклиф этган лойихани рад этди ва амалдаги гидроузелни сақдаши ва амалда ишлатилиши кераклигини билдирди.

14.03.1991 йилдаги Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хужалиги вазирлиги хатига мувофиқ танлов асосида «Сувлойиха» бирлашмасига гидроузел реконструкцияси лойихасини тузишга топширик берилди.

«Сувлойиха» бирлашмаси лойихдси асосига амалдаги гидроузелни ишлатилиши гоёси ва янги кушимча сув ташловчи иншоотни курилиши куйилди.

«Сувлойиха» бирлашмаси таклиф этган лойихасида амалдаги гидроузелни сув утказиш қобилияти 118 м³/с, кушимча сув ташловчи иншоотни эса 330 м³/с, уларни жамланган сув утказиш қобилияти $Q 0,5\% = 860 \text{ м}^3/\text{с}$ ташкил этди. У «Сувлойиха» бирлашмаси варианти «Средазгипроводхлопок» институти лабораториясида утказилган моделлик таджикотлари асосида ишлаб чиқилди ва бу варианти буйича 1994 -1995 йилларда Хачкаб гидроузели реконструкцияси амалга оширилди.

Хачкаб гидроузели узидан факат 111 м³/с сув сарфини утказишига лойик, ҳамда ушбу гидроузелнинг пастки бьефида сув оқими қувватини сундириш самарадорлиги паст даражада булиши учун ушбу гидроузелдан факат вегетация даврида Хачкаб каналига сув олиш мақсадида фойдаланилади.

Олдин мавжуд булган Хачкаб гидроузели тошқинлар утиши даврида дарё сув сарфлари факат 260 м³/с (кушимча сув ташловчи иншоотнинг сув сарфи) дан купрок булганида сув ташловчи иншоот режимда ишлайди.

Реконструкцияси натижасида олдин мавжуд булган Хачкаб гидроузелидан бир неча масофада юкори бьеф томонига дарё унги қиргогида жойлашган холда қурилган хар кунлик ишчи иншооти шаклида кушимча сув ташловчи иншоот ишлатилади.

Бугунги иншоотлар компановкасида сув сарфлари энг бошида кушимча сув ташловчи иншоотга, ундан сунг олдин мавжуд булган Хачкаб гидроузелига йуналтирилади.

Республикадаги мавжуд суғориш тизимларининг янада тўлиқ такомиллаштирилмаганлиги, суғориш далаларида сув ўлчаш ишларини талаб даражасида тартибга солилмаганлиги, суғоришнинг тежамли усул ва техникаларини кенг жорий этилмаганлиги туфайли сув манбаларида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинаётган сувнинг 36 - 40 фоизи беҳуда исроф

бўлиб кетмоқда. Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффиценти 1960 йил 0,40 ни ташкил этган бўлса, Республика сув хўжалигида амалга оширилган қатор тадбирлар эвазига бу кўрсаткич ҳозирга келиб 0,60 - 0,64 га етказилди. Республика бўйича ҳар гектар экин майдонининг эҳтиёжи 8 - 10 минг м³ бўлсада, амалда 13 - 14 минг м³ сув сарфланмоқда.

Регионда мавжуд сув ресурсларидан тежаб - тергаб фойдаланиш шароитида ҳам яқин келажакда ҳалқ хўжалигини сув билан таъминланиш масаласининг янада мураккаблашуви кутилмоқда. Бу муоммони ижобий ҳал этиш учун энергетика ва саноатда сувдан қайта фойдаланиш тизими, сув ишлатилмайдиган ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш, сувни беҳуда исрофгарчилигини камайтириш, техник жиҳатдан мукамал суғориш тизимларини барпо этиш, мавжуд суғориш тизимларини қайта қуриш ва жиҳозлаш, суғориш техникасини такомиллаштириш. Экинларни суғориш режимини табақалаштириш, шўрланишга ва ботқоқланишга мойли бўлган ерларнинг барчасида коллектор зовур тармоқлари барпо этиш, суғориш тармоқларини фильтрацияга қарши тўшамалар билан таъминлаш, экинларни парвариши бўйича жадал технологияларни қўллаш, суғориш тизимларидан фойдаланишни яхшилаш талаб этилади.

Сув хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб ахборот алмашуви ва жараёнларига эга бўлиб, улар турли кўринишларда берилиши мумкин.

Сув хўжалигининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири сув хўжалиги техникасининг катта майдонларда жойлашгани ва таъмирлаш базасидан узоқлиги, ускуналарнинг кичик қувватга эга эканлиги, иш жараёнининг мавсумийлиги ҳисобланади. Жараёнлар ҳар куни маълум цикл бўйича қайтарилишига қарамай, машиналарнинг умумий иш соатлари нисбатан кам ҳисобланади. Демак, бу соҳада қўлланувчи автоматлаштириш воситалари турли кўринишларга эга бўлиб, нисбатан арзон, тузилиши жиҳатидан содда, ишлатишга қулай ва ишончли бўлиши керак. Бундай шароитда автоматлаштириш воситалари аниқ ва ишончли ишлаши лозим, чунки бундай

жараёни табиатан тўхтатиб, узиб қуйиб бўлмайди. Мисол учун, гидромелиорастия тизимларида автоматлаштириш воситалари табиий шароит ўзгаришига қарамай, сутка давомида технологик операцияларнинг давомийлигини таъминлаб бериши зарур.

Сув хўжалигида ташқи тасодифий таъсирлар турли кўринишларда ўзгариши билан характерланади. Сув хўжалиги автоматикасидаги кўпгина объектлар технологик майдони ёки катта ҳажмдаги вақт кўрсаткичларига эга. Мисол учун, насос агрегатларида объект бўйича катталикларни назорат қилиш ва бошқариш керак бўлади (сув сатҳи, босим, иш унумдорлиги, ҳажми ва ҳ. к.).

Бундай объектлар учун автоматлаштириш тизимларида бирламчи ўзгарткичлар, ижрочи механизмларнинг оптимал миқдорига эга бўлиб, бошқарилувчи кўрсаткичларнинг қийматини белгиланган аниқликда ва ишончли равишда сақлаш катта аҳамиятга эга.

Сув хўжалигида саноатдан фарқли равишда юқ оридаги талаблардан келиб чиқиб, автоматлаштириш воситалари ташқи таъсирларга чидамли, параметрларини кенг диапазонда ўзгарувчи қилиб ишланиши зарур.

Бу эса лойиҳ алаштирилаётган объектдаги техник воситаларнинг ишдан чиқишини камайтириш, юқ ори аниқликда ишлашини таъминлаш имкониятини беради. Кўрсатилган хусусиятлар энг аввал ташқи муҳит билан боғлиқ шароитда ишловчи машиналарда ўрнатилган бирламчи ўзгарткичлар, ижро механизмлари, назорат асбоблари ва бошқ а техник воситаларга таъсир этади. қ олган автоматлаштириш воситаларини ало ҳида хоналар ёки ташқи муҳитга чидамли бўлган махсус шкафларда ўрнатиш мумкин.

II. ИНЖЕНЕРЛИК ҲИСОБЛАШ ҚИСМИ.

2.1. Гидромелиоратив иншоотлар ишончилиги кўрсаткичлари ҳисоблаш

Маълумки, гидромелиоратив тизимлар мураккаб канал тармоқларидан, гидротехник иншоотлар ва ёрдамчи қурилмалардан ташкил топган. Бундай тизимнинг тузилишига, унинг ишлаш характериға фойдаланиш жараёнида техник хизмат кўрсатишни ташкил этишга, унинг элементларида руй бериши мумкин бўлган ишдан чиқишлар тавсифига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам гидромелиоратив иншоотларни (ГМИ) бошқа йирик тизимлар сингари ишончилик нуқтаи назаридан баҳолаш зарур.

ГМИ ишончилиги ягона ва комплекс кўрсаткичлар орқали баҳоланиши мумкин. Бирлик курсаткичлар объектнинг техник ҳолатини акс эттиради ва уларга: ишдан чиқишлар тезлиги $\lambda(t)$, узок вақт ишлай олиш эҳтимоллиги $P(t)$, объектнинг узлуксиз ишлаши ўртача вақти $T_{\text{ўр}}$, ишдан чиқишлар жадаллиги $a(t)$, ишдан чиқишлар оқими параметри $W(t)$ кабилар киради.

Комплекс кўрсаткичлар объектнинг техник ҳолатини ва ишдан чиққандан сўнг қайта тиклашга кетган ўртача вақтини, техник хизмат кўрсатишини, сақлаш даврида вақтини тавсифлайди. Тайёрлик коэффиценти $K_t(t)$, техник фойдаланиш коэффиценти $K_{\text{ф}}(t)$, мажбурий бекор ишламай туриш коэффиценти $K_{\text{б}}(t)$ каби кўрсаткичлар комплекс кўрсаткичларига мисол бўлади. ГМИни баҳолашда қўлланиладиган асосий параметрлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

ГМИни ва унинг элементларини баҳолашда аввало, унинг элементларининг ишлаш тўғрисида ишлаб чиқариш статистик маълумотлар тўпланеди ва техник кўрсаткичларнинг фойдаланиш жараёнида ўзгаришини тавсифловчи математик қонуниятлар аниқланади. Агар статистик

маълумотлар аниқ бўлса, у ҳолда ишдан чиқиш тезлиги қуйидагича аникланади:

$$\lambda(t) = \frac{\Delta N}{N_{yp} \cdot \Delta t} = \frac{N_6 - N_0}{N_{yp} \cdot \Delta t} = \frac{6 - 4}{4 \cdot 2} = 0.25 \quad (1)$$

бунда $\Delta N - \Delta t$ вақт мобайнида ишдан чиққан элементлар сони;

$$\lambda(t) = \frac{N_6 + N_0}{2} - \text{ишлаб турган элементлар сони};$$

N_6 – бошланғич Δt – вақт ичида ишлаб турган элементлар сони;

Ҳаққаб гидроузелида $N_6=6$

$N_0-\Delta t$ – вақт сўнггида ишлаб турган элементлар сони; +озирда тўқлиги бўлват билан ишлаётган элементи сони $N_0=4$ та

Узлуксиз узоқ вақт ишлай олиш эҳтимоли эса:

$$P(t) = e^{-\int_0^t \lambda(t) dt} \quad (2)$$

агар $\lambda(t) = \text{const} = \lambda$ булса

$$P(t) = e^{-\lambda t} \quad (3)$$

бунда: λ – ишдан чиқишлар тезлиги;

e – натурал логарифм асоси.

Келтирилган (3) ифода экспоненциал тақсимланиш қонунини билдиради, демак ишдан чиқишлар тезлиги сони вақт бўйича ўзгармас бўлган ҳолларда узлуксиз узоқ вақт ишлай олиш эҳтимоли экспоненциал қонунига бўйсунар экан.

Ишдан чиқиш эҳтимоли қуйидагича топилади:

$$Q(t) = 1 - P(t) \quad (4)$$

Объектнинг узлуксиз ишлаш ўртача вақти эса:

$$T_{yp} = \int_0^{\infty} e^{-\int_0^t \lambda(t) dt} dt \quad (5)$$

$\lambda(t) = \text{const}$ бўлганда

$$T_{\dot{y}p} = \int_0^{\infty} e^{-\lambda t} dt = \frac{1}{\lambda} \quad (6)$$

Демак, узлуксиз ишлаш ўртача вақти ишдан чиқиш тезлигига тескари пропорционал экан.

$$T_{\dot{y}p} = \frac{\sum_{i=1}^n t_i}{n} = \frac{18}{6} = 3 \text{ ой} \quad (7)$$

бунда: n – кузатиладиган объект элементлари сони;

t_i – бирор i – элемент ишдан чиққунча кетган вақт оралиғи. Гидроузел элемент учун $t_i=18$ ой эканлиги гидроузел ҳисоб дафтаридадан ўртача қабул қилинди.

ГМИ технологик тизим эканлиги ҳисобга олиб унинг ишончилилик кўрсаткичи сифатида меъёрий ишлашини ёритувчи комплекс кўрсаткич – тайёрлик коэффициенти қабул қилинади:

$$K_T = \frac{T_{\dot{y}p}}{T_{\dot{y}p} + T_T} = \frac{3}{3 + 6} = 0.33 \quad (8)$$

бунда: $T_{\dot{y}p}$ – ишдан чиққунгача бўлган ўртача вақт, яъни узлуксиз ишлаш ўртача вақти;

T_T – қайта тиклашга кетган вақт. $T_T = \text{ўртача } 6 \text{ ой}$.

Мажбурий бекор туриб қолиши коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{\sigma} = \frac{T_T}{T_{\dot{y}p} + T_T} = \frac{6}{3 + 6} = 0.67 \quad (9)$$

бу коэффициентлар йиғиндиси доимо

$$K_T + K_{\sigma} = 1 \quad (10)$$

га тенг.

ГМИ ишончилиги уни ташкил этувчи элементлар ишончилиги орқали аниқланади. Ҳар қандай техник тизим, жумладан ГМИ ни таҳлил

этишда ундаги асосий ва иккиламчи элементларини фарқлай билиш зарур. Асосий элементларнинг ишдан чиқиши бутун тизимни ишдан чиқишига олиб келади. Тизимнинг бутун ишлаши даври мобайнида унинг ишончлилигини миқдор жиҳатдан баҳолаш учун шартли тузилиш – функционал схемасини тузиш зарур. Бу схема бир вақтнинг ўзида тизимнинг ҳам физик, ҳам математик модели бўлиб ҳисобланади.

Тизимнинг ҳосил қилинган функционал схемаси ГМИ элементларининг кетма-кет уланганлигини кўрсатди. Бундай боғланишларда тизимнинг узоқ вақт ишлай олиш эҳтимоли қуйидагича аниқланади:

$$P_T(t) = \prod_{i=1}^n P_i(t) \quad (11)$$

бу ерда: $P_i(t)$ – t -вақт мобайнида i – элементнинг узоқ вақт ишлай олиш эҳтимоли; n – умумий элементлар сони

